



ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ИШЛАРНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 октябрь куни геология ишларини кенгайтириш, фойдали қазилмаларнинг истиқболли конларини аниқлаш ва ўзлаштириш режаларига бағишланган тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда sanoatni rivojlantirish b'ycha k'uyilgan katta marralarga erishishda iqtisodiyetni mineral resurslar bilan ta'minlash muhim ahamiyatga ega. Keyingi yillarda yurtimizda geologiya sohasini transformatsiya qilish doirasida uning moddiy-texnik bazasi mustahkamlandi, ilmiy izlanishlar va kadrlar tayyorlash kuchaytirildi.

Taqdimotda soxada qilingan ishlar, foydali qazilmalarni aniqlash va o'zlashtirishga horijiy hamkor va investorlarni jalb qilish rejalari k'uyib chiqildi.

Ta'kidlanganidek, keyingi yillarda geologiya-kidiruv ishlari oldingi davrga nisbatan 3 barobar oshdi. 3D seysmorazvedka, aerogeofizika, kosmogeologiya, raqamli geologiya kabi ilg'or usullarni joriy etish bo'shlendi. Geologiya fanlari

universiteti tashkil etilib, hozirgi kunda 1,5 ming nafar o'shlar zamonaviy bilim va kunikmalarini egallamoqda.

Shuningdek, geologiya ishlari sohasidagi loyihalarga xususiy investitsiyalarni keng jalb qilish uchun konunchilik bazasi takomillashtirildi va bosqa zarur sharoitlar yaratildi.

Buning xisobiga konlarni izlash va o'zlashtirish bilan shugullanadigan tadbiqorlar soni 4 barobarga k'upaydi. Joriy yilning o'zida geologiya ishlariga 180 million dollar horijiy investitsiyalar kiritildi, amalga oshirilaётган loyihalarning umumiy k'iymati esa 2 milliard dollar dastur oshdi.

Davlatimiz rahbari xisobotni tinglab, kelgusi yilda geologiya-kidiruv sohasida amalga oshirilishi lozim bulgan vazifalarni belgilab berdi.

ЎЗА

ЕР ҲИСОБИ ВА КАДАСТР ХИЗМАТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 октябрь куни ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер хисобини юритиш ҳамда кадастр хизматларини яхшилаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Сўнги йилларда бу соҳада катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, топографик ўлчовлар учун Кадастр агентлиги махсус самолёт ва аэрофотокамера, 112 та дрон билан таъминланди. Соҳани рақамлаштириш учун 6 та ахборот тизими ва маълумотлар маркази ишга туширилди.

Буларнинг хисобига, ўтган уч йилда 96 фойз ерларнинг электрон харитаси яратилди. 40 миллион гектар ер рўйхатга олиниб, солиқ билан боғланди. Аввал хисобланмаган 790 мингта янги ва 520 мингта қўшимча қурилма тизимга кирди. Булар орқали бюджетга 1,1 триллион сўмлик манба яратилди.

Шунингдек, захирадаги 1,2 миллион гектар қишлоқ ерларига кадастр қилингани хисобига 675 минг аҳоли ва фермерларга 425 минг гектар ер бўлиб берилди.

Шу билан бирга, соҳада ҳали қилинадиган ишлар ҳам кўп. Хусусан, 146 минг километр ички йўللار ва атрофдаги ерларнинг ҳужжати йўқ.

Сув ҳўжалигида ҳам шу аҳвол. Сув ҳавзалари, канал ва коллекторлар атрофдаги бўш ерларни аукцион орқали аҳоли ва тадбиркорларга бериш мумкин. Лекин бугунги кунда 827 минг гектар сув фонди ерларидан фақат 380 минг гектарининг кадастр ҳўжатлари бор.

Шу боис, йўл ва сув фонди ерлари кадастрини яқунлаб, улардан фойдаланишга шaroit yaratish b'ycha k'ursatma berildi. Бу орқали 1 миллион аҳоли бандлигини таъминлаш мумкинлиги таъкидланди.

Хисоб-китобларга кўра, республикада 2,4 миллионга хонадоннинг эгалик ҳўжжати йўқ. Уларнинг кадастр ҳўжжати қилинса,

одамларга ҳўқуқий, иқтисодий замин бўлади. Шу боис, ҳўжжатсиз уй-жойларга эгалик ҳўқуқини бериш бўйича қонун лойиҳасини яқунига етказиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, аҳоли узоқ йиллардан бўён уй-жой сифатида фойдаланиб келаётган, лекин ҳўжжатда қишлоқ ҳўжалиги ерлари бўлиб қолаётган 817 минг гектар ерни хатловдан ўтказиб, ер тоифасини ўзгартириш таклифи билдирилди.

Кадастр тизимида иш ҳажми кўплиги ҳам долзарб масала. Бу йил 1,5 миллионга кадастр хизмати кўрсатилган бўлса, шундан 600 мингтаси кадастр йиғма жилди билан боғлиқ. Тизимдаги 25 фойз ходим шу билан банд. Уларга иш юкмаси икки баробар кўп.

Бу борада Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида тажриба тариқасида хусусий кадастр муҳандиси институти жорий этилди ҳамда 165 та хусусий кадастр муҳандиси фаолияти йўлга қўйилди.

Энди бу фаолиятга хусусий секторни жалб қилиш назарда тутилмоқда. Одамлар истаса, хусусий секторга, истаса, давлат идорасига мурожаат қилиши мумкин бўлади. Бунинг учун кўчмас мулклар янги "ЎЗКАД" ахборот тизимига ўтказилади, 2024 йил 1 июлдан республиканинг барча ҳудудларида хусусий кадастр муҳандислари фаолияти йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбари кадастр хизматлари қамрови ва сифатини ошириш, бунинг учун малакали кадрлар тайёрлаш, соҳани илмфан билан уйғунлаштириш ва рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

ЎЗА



МУНОСАБАТ

Мамлакатдаги ҳақиқий аҳволни билмоқчи бўлсангиз, оддий одамлар билан мулоқот қилинг, улардан ҳол-аҳвол сўранг, фикр олинг, мулоҳазаларини эшитинг. Чўнки халқ энг тўғри ва ҳақиқий баҳони беради. Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига бу галги ташрифини даставвал аҳоли вакиллари, оддий одамлар билан мулоқот қилишдан, улардан ҳол-аҳвол сўрашдан бошлагани боиси ҳам шунда.

ЭНГ ТЎҒРИ БАҲОНИ ХАЛҚ БЕРАДИ



Президентимизнинг эл билан бирга бўлиши, оддий одамлар билан самимий суҳбат қуриши мамлакатимизда амалга оширилаётган эзгу ғоя — "Инсон қадри учун" тамойилининг ҳаётдаги ёрқин ифодасидир. Бинобарин,

оилалар тотувлиги, ҳамжиҳатлиги, маҳаллаларда аҳоли учун қўлай имконият ва шарт-шaroitлар яратилиши, буларнинг ҳаммаси мамлакат истиқболи ва равнақига хизмат қилади.

Давоми 2-бетда



БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ

КЕЛГУСИ АСРНИНГ БАХТИ УШБУ АСРДА ҚУРИЛАДИ



ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ RIШТАЛАР, УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДАГИ МЕЗОНЛАР



Буюк ипак йўли ҳақида кўҳна ривоятлар, қутлуг ҳикоятлар, қадимий китоблардан яхши биламиз. Зеро, унинг инсоният тараққиётига қўшган ҳиссаси улкан. Бу йўл 2000 йилдан ортиқ вақт мобайнида Шарқ билан Ғарбни савдо-иқтисодий ришталар билан боғлади. У ўтган минтақаларда яшовчи халқларнинг маданий-маънавий алоқалари мустаҳкамланди. Бугунга келиб, бу йўлни зamonaviy асосда қайтадан тиклашга эҳтиёж ортиб бормоқда. Эҳтиёж эса ҳамкорлик ва тараққиёт сари етаклайди.

Юртимиз Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган, унинг юксалишида аждодларимиз бекиёс ўрин тутган. Дунё тараққиёти ва замон талаби бугунги авлод зиммасига ундан-да заварли вазифаларни қўймоқда. Улардан бири "Бир макон, бир йўл" ғояси остида Хитой ва бошқа

мамлакатлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган савдо-ҳаракат ҳамда халқаро лойиҳалардир.

Президентимизнинг "Бир макон, бир йўл" учинчи халқаро форумидаги нутқида эътироф этилганидек, Буюк ипак йўлини қайта тиклашга қаратилган улугвор ғоя тарихан

қисқа даврда кўплаб тарафдорларига эга бўлди ва халқаро ҳамкорликнинг янги моделига, умумий тараққиёт ва фаровонликка эришиш йўлидаги зарурий, инклюзив ва очиқ платформага айланди.

Давоми 3-бетда



ШАРҲ



ТЕМИР ЙЎЛ БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИГА МОСЛАШЯПТИМИ?

Транспорт соҳаси муҳим инфратузилмавий тармоқ сифатида жамият тараққиётини юксалтириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш қаторида иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш омилidir. Темир йўл эса иқтисодиётнинг муҳим бўғини. Юк ва йўловчи ташишининг энг арзон, тезкор, хавфсиз, экологик жиҳатдан тоза ва самарали усули.

Шу боис, юртимизда темир йўл соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳани етакчилар қаторига олиб чиқиш бўйича кенг қўламли ислохотлар кечмоқда.

Тизимни зamonaviylashtirish, soғлом рақобат муҳитини яратиш, хусусий секторни кенг жалб қилиш, бизнес жараёнларини рақамлаштириш ҳамда

республиканинг транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида 2023 йил 10 октябрда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислох қилиш чоратadbirlари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Давоми 4-бетда



НУҚТАИ НАЗАР

САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР ИСЛОҲОТЛАР ТАҚДИРИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Юртимиздаги янгиланишлар, изчил ислохотлар даврида ички ишлар органлари фаолияти ҳам мутлақо янгича мазмун-моҳият касб этди. Тизимни аҳолига яқинлаштириш ва чинакам халқчил тузилма сифатида шакллантириш мақсадида амалиётга янгича механизмлар жорий қилинди. Бунда, энг аввало, аҳоли билан манзилли ишлаш, фуқароларни ташвишга солаётган масалаларни жойида ҳал этиш, ҳудудларнинг криминоген вазиятига таъсир кўрсатаётган омилларни бартараф этиш, ҳўқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш орқали жиноятчиликни жilовлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Давоми 2-бетда



АГРАР ТАРМОҚ

ЛОЙИҲА ФРАНЦИЯНИКИ, МАҲСУЛОТ ЎЗБЕКИСТОННИКИ МЕВА-САБЗАВОТ ЭКСПОРТИДА ЯНГИ ЙЎНАЛИШ



Бугун жаҳон бозорида юртимизда етиштирилган мева-сабзавотларга талаб тобора ортмоқда. Улар ҳатто Европа бозорларига етиб борди.



Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда Ўзбекистон 80 та давлатга 180 хил мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилапти. Биргина жорий йилнинг январь-июль ойларида мамлакатимиз 1,1 миллион тонна мева-сабзавот экспорт қилган ва бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,2 баробар кўп. Яъни ушбу йўналиш юртимиз қишлоқ ҳўжалиги тармоғида асосий ўринга чиқиб бормоқда. Бу турдаги маҳсулотларни нафақат етиштириш, балки қайта ишлаш, хорижга чиқаришда барча стандартларга жавоб бериши борасида ҳам сўнги йилларда сезиларли тажриба тўпладик. Натижада ҳозир экспортнинг умумий ҳажмида мева-сабзавот улуши 4,6 фойзини ташкил этмоқда.

Давоми 4-бетда



НУКТАИ НАЗАР

САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР ИСЛОҲОТЛАР
ТАҚДИРИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

**Жамшид ХОЛОВ,
ИИБ академияси ахборот хизмати
мутахассиси, капитан**



Янги Ўзбекистонда янги ички ишлар органларини тўла қарор топтириш йўлидаги ислохотлар соҳа ходимлари, айниқса, раҳбар кадрлар олдига долзарб талаб ва мезонларни қўймоқда. Ҳозирги замон раҳбари етук, салоҳиятли, ватанпарвар ва фидойи, муваффақият сари интилувчи, жавобгарликни зиммасига олишга қодир, том маънода омилкор бошқарувчи бўлиши шарт. Академия магистратурасида “универсал раҳбар” тизими жорий этилгани шундай кадрларни тайёрлашга хизмат қилмоқда.



Бошланиши 1-бетда

Президентимиз Ички ишлар органлари ходимлари кунги муносабати билан соҳа вакиллари йўллаган байрам табригида **ички ишлар органлари учун профессионал кадрлар тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилганини** алоҳида таъкидлади.

Чиндан ҳам кейинги йилларда тизимни ҳар жиҳатдан профессионал кадрлар билан таъминлаш борасида мутлако янги босқичга қадам қўйилди. Ёшларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, болалигидан касбга йўналтириш, юқори малакали ҳуқуқшунос сифатида тайёрлаш мақсадида ихтисослашган мактаб-интернат, идоровий академик лицейлар ташкил қилиниб, таълимнинг узлуқсиз жараёни йўлга қўйилган бўлса, Ички ишлар вазирлиги академияси фаолияти миллий ва халқроқ тажрибанинг илғор ёндашувлари асосида тубдан тақомиллаштирилди.

Бугунги кунда академияда бакалаврият ва магистратурадан иборат икки босқичли олий таълим тизими жорий қилинган. Бакалаврият босқичи 9 та ихтисослик йўналишини ўз ичига олиб, унда курсантлар модулли тизим асосида таълим олади. Ўқув жараёнининг 60 фоизи назария, қолган 40 фоизи амалиётга қаратилган бўлиб, курсантлар биринчи курсдан бошлаб мутахассислик, юридик, жанговар ва жисмоний билим ҳамда кўникмаларни ўзлаштириб боради.

Таълим сифатини ошириш мақсадида ҳудудий ички ишлар органлари соҳавий хизматлари раҳбарлари иштрокида онлайн маҳорат дарслари ўтказиш, курсантларнинг ўқув тезкор-тергов гуруҳлари таркибиде ҳодиса жойига чиққан ҳолда амалий кўникмаларини шакллантириш, ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ва ҳудудий бўлинмаларида базавий амалиётлар ташкил қилиш, шунингдек, “Мулоқот” клуби, “Финал” комплекс ўқув машғулотлари ҳамда сайёр суд мажлислари орқали курсантларни касбга йўналтирувчи механизмлар йўлга қўйилган.

Янги Ўзбекистонда янги ички ишлар органларини тўла қарор топтириш йўлидаги ислохотлар соҳа ходимлари, айниқса, раҳбар кадрлар олдига долзарб талаб ва мезонларни қўймоқда. Ҳозирги замон раҳбари етук, салоҳиятли, ватанпарвар ва фидойи, муваффақият сари интилувчи, жавобгарликни зиммасига олишга қодир, том маънода омилкор бошқарувчи бўлиши шарт. Академия магистратурасида “универсал раҳбар” тизими жорий этилгани шундай кадрларни тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу ҳақда тўхталиб, **ҳар бир ходим навбатдаги унвонни олиши учун мажбурий тарзда касбий малакасини ошириши, раҳбарлик лавозимига тайинланиши учун Ички ишлар вазирлиги академиясининг бошқарув магистратурасида тахсил**

олиши белгилангани ижобий самара бераётганини алоҳида қайд этди.

Шу ўринда яна бир жиҳатни айтиш лозим. Тизимдаги янгиланишлар натижасида жиноятчиликни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш амалиёти йўлга қўйилди. Мазкур йўналишда академия профессор-ўқитувчилари томонидан республикамизнинг барча ҳудудлари, айниқса, жиноятлар салмоғи юқори маҳаллаларда тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бунда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари, уларга имкон берган шарт-шароитлар, криминоген вазиятга салбий таъсир кўрсатаётган омиллар илмий таҳлил қилиниб, жиноятчиликни жийовлашга қаратилган тақлиф ва тавсиялар, методик қўлланмалар ишлаб чиқилмоқда ҳамда амалиётга кенг татбиқ этилмоқда.

Жорий ўқув йилидан мазкур фаолиятни тақомиллаштириш мақсадида янги тизимга ўтилди. Унга кўра, академиянинг ихтисослик ва юридик кафедралари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига бириктирилиб, ҳудудларнинг криминоген ҳолатини ўрганиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ички ишлар органларида методик ёрдам кўрсатиш, шунингдек, таълим муассасасини таоммлаган ёш ходимлар фаолиятини мониторинг қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Президентимиз мазкур йўналишдаги ишларнинг мантқиқий давоми сифатида **ушбу йилдан “маҳалла еттичилиги” тизими жорий қилингани, профилактика инспектори ана шу тизимнинг энг фаол аъзоси сифатида аҳоли муаммоларини ҳал этишга қаратилган манзилли чора-тадбирларни амалга оширишига** ҳам эътибор қаратди. Мазкур фаолиятни илмий-методик жиҳатдан таъминлаш эса маҳаллаларни жиноятдан холи ҳудудга айлантиришга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбари табригида эътироф этилган янгиланишлар, долзарб аҳамиятга эга вазифалар тизимнинг барча ходимлари, айниқса, академия жамоасига улкан масъулият юклайди. Чунки ҳамма соҳаларда бўлгани каби ички ишлар тизимида ҳам юксак малакали, замонавий фискалдайдиган, касбияга, Ватанимиз ва халқимизга содиқ кадрлар ислохотлар тақдирини белгилаб беради. Бунинг учун ҳар биримиз, аввало, шахсий фазилатларимиз билан ёш авлодга урناк бўлишимиз керак. Янги Ўзбекистонда янги ички ишлар органларини тўла қарор топтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз ана шу мезонларга боғлиқ.



МУНОСАБАТ

ЭНГ ТЎҒРИ БАҲОНИ ХАЛҚ БЕРАДИ

**Шаҳноза ХОЛМАҲАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**



Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари Қашқадарёда ўтказган йиғилишда ҳам бунини алоҳида таъкидлади. Мамлакатимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва келажаги учун янги корхоналар, янги бозорлар, инвестиция, иш ўринлари, катта-катта тушуллар кераклиги айтилди. Шу нуқтаи назардан, йиғилишда асосий эътибор sanoat, turizm, qishloq хўжалиги ва тадбиркорлиқни ривожлантиришга қаратилди.

Вилоятда йилнинг тўрт мавсумида ҳам сайёҳларни жалб қилиш салоҳияти бор. Аммо у ҳозир Шахрисабз шаҳри ва тоғли туманлар билан чегараланган. Таққослаш учун, йил бошидан буён Қашқадарёга 180 минг хориқлик сайёҳ келган, қўшни Самарқанд ва Бухорода эса бу кўрсаткич 3,5 миллиондан ортиқ. Демак, соҳада қилиниши керак бўлган ишлар талайгина.

Давлатимиз раҳбари қўлай инфратузилма яратиб, туристларни кўпайтириш йўллариини кўрсатиб ўтди. Хусусан, Германиялик ҳамкорлар билан Шахрисабз туманидаги 3 та туризм маҳалласи мастер-режаси тайёрланган. Бунда 450 миллион доллар қўшимча инвестиция ва йилга 1 миллион сайёҳ жалб этадиган инфратузилма яратилди. Бунинг ҳисобидан Шахрисабзнинг ўзига йилга қўшимча 500 миллиард сўм тушум кутиляпти, 5 мингта доимий иш ўрни пайдо бўлади.

Бунинг учун транспорт тизимини ҳам ривожлантириш керак. Нафақат сайёҳлар, балки маҳаллий аҳолининг Қашқадарёга автотранспортда келишини қўлайлаштириш зарурати бор. Шу мақсадда “Тахтакорча” довонидан ўтиш талабларини энгил-

Давлатимиз раҳбари қўлай инфратузилма яратиб, туристларни кўпайтириш йўллариини кўрсатиб ўтди. Хусусан, Германиялик ҳамкорлар билан Шахрисабз туманидаги 3 та туризм маҳалласи мастер-режаси тайёрланган. Бунда 450 миллион доллар қўшимча инвестиция ва йилга 1 миллион сайёҳ жалб этадиган инфратузилма яратилди. Бунинг ҳисобидан Шахрисабзнинг ўзига йилга қўшимча 500 миллиард сўм тушум кутиляпти, 5 мингта доимий иш ўрни пайдо бўлади.

лаштириш кўзда тутилмоқда. Келгуси йилда доводна янги тоннель ва йўл қўриш лойиҳаси бошланади. Самарқанд билан Шахрисабзни боғловчи 30 километр йўл ҳамда Ғузор — Бухоро йўлининг 100 километр қисми таъминланади. Умуман, келгуси йилда хориқлик сайёҳларни 500 мингтага етказиш вазифаси қўйилди.

Мамлакатимиз тараққиётининг охириги йилларига эътибор қаратилса, қичик ва ўрта бизнес вакиллари, тадбиркорлик қиламан, деган инсон борки, ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани кўзга ташланади. Бу қўллаб-қувватлов ортидан эса барча соҳаларда ўсиш кузатиляпти. Қашқадарё вилоятини ҳам тадбиркорлар учун шароитлар етарли. Давлатимиз раҳбари уларга бўлган ишончини яна бир бор кўрсатди — китоблик тадбиркорнинг IT кластер ва университет очиш ташаббусини маъқуллади.

Тасаввур қилинг, тадбиркорни Президентнинг ўзи қўллаб-қувватлаб турса, имконият ва имтиёз берса, дардини, фикрини тингласа, бундан ортиқ бахт борми? Ёки давлат раҳбари оддийгина хонадонга кириб, улардан ҳол-аҳвол сўраса, бу инсон қадрининг улуғланиши эмасми? Зотан, юртимизда кечаётган ҳаётий ислохотларнинг негизида янги Ўзбекистонни барпо қилишдек улуғ мақсадлар турган экан, унинг пиллапояси оддий оилалардан, маҳаллалардан, фарзандларимизнинг етук ва баркамол бўлиб ўлгайишидан бошланишини унутмаслигимиз керак.

Президентимиз вилоятга ташрифи давомида сафар дастурида назарда

тутилмаган манзиллар билан ҳам танишди. Хусусан, Қарши тумани маркази — Бешкент шаҳридаги 12-мактаб режалаштирилмаган ҳолда бориб кўрилди. Бу ерда айни пайтда 1400 га яқин ўғил-қиз ўқимоқда. Уларга юздан зиёд малакали педагоглар таълим бермоқда. Мактаб ўтган йили капитал таъмирланган.

Айни кунларда юртимизда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ва кўчат экиш авжида. Давлатимиз раҳбари мактаб мисолида шу борадаги ишларни ҳам кўздан кечирди. Мутасаддиларга ижтимоий муассасаларни иссиқлик билан таъминлаш, энергieteжамкор технологияларни қўллаш бўйича кўрсатмалар берилди. Мактабларнинг қурилиш стандартларини замонавийлаштириш, бунда инфратузилма билан таъминланганлик, функционаллик ва энергия самарадорлиги билан боғлиқ барча мезонларни назарда тутиш зарурлиги таъкидланди. “Ишил макон” лойиҳаси доирасида мактаблар атрофида кўчат экиш ишларига ҳам эътибор қаратилди.

Бугун юртимизда таълим тизимига бу қадар катта эътибор берилаётгани бежиз эмас. Зеро, ҳақондаги ривожланган давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларда жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислохотлар, аввало, таълим тизимидан, боғча, мактаб, тарбия масаласидан бошланганини кўрамиз. Чунки мактабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди. Таълим ва тарбиянинг асоси, пойдевори, бу — мактаб. Президентимиз таъбири билан айтганда, **“Мактаб бу жойда маданият бўлади. Педагоглар бошқаларга ҳар жиҳатдан урнак. Мактаб атрофи обод бўлиб, мавсумий гуллар яшнаб турса, ёшларга ҳам тарбия, ҳам даъват бўлади”**.



Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг Қашқадарё вилоятга ташрифи том маънода тарихий воқеа бўлди. Воҳа аҳлининг қайфиятини кўтарди, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлади. Белгилаб олинган вазифалар эса вилоятнинг янада ривожланиши, аҳоли турмуши фаровонлигига хизмат қилади.



МУЛОҲАЗА

АВТОМОБИЛДАН САҚЛАНИГ

ёхуд ҳеч нарса инсон ҳаётидан устун эмас

**Аброр ҚУРБОНОВ,
эксперт**

Президентимиз раислигида яқинда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш билан боғлиқ долзарб мавзу ҳам кун тартибига қўтарилди. Транспорт вазири ва бошқа мутасаддиларга жамоат транспортни ривожлантириш, светофорлар ва йўл чизиқларини ўрнатиш, тирбандликнинг олдини олиш, пойтахт кўчалари ва ҳудудлардаги йўлларни тартибга солиш бўйича қатъий чоралар кўриш топширилди. 2024 йил бу борада жиддий ўзгаришлар йили бўлиши юзасидан вазифа қўйилди.

Дарҳақиқат, йўлларда ҳаракат йил сайин тигизилашчи бораётган бугунги кунда автохалқатларнинг олдини олиш, хавфсизлигини таъминлаш масаласи тобора долзарб тус олмақда.

Бунини қўйидаги рақамлар ҳам исботлайди: эътибор беринг, 2023 йилнинг январь-август ойларида 9 миллион мартадан ортиқ йўл ҳаракати қондаси бузилиши қайд этилган. Жумладан, 8 миллионга яқин қўпол қоидабузарликлар, 26 мингга яқин маст ҳолатда автомобиль бошқариш ва 161 мингдан зиёд пиедалар қоидабузарлиги кузатилган. Оқибатда шу даврда йўл-транспорт ҳодисаси натижасида 1415 киши ҳалок бўлган, яна 5448 фуқаро турли даражадаги тан жароҳати олган.

Таҳлилларга кўра, аварияларнинг 55 фоизи ҳайдовчилар айби билан содир этилган. Бунда уларнинг қоидаларни менсимаслиқ ҳолати 45 фоизни, тажрибасизлиги эса 10 фоизни ташкил этади. Қўриб турибсизки, бировнинг қўпол хатоси ёки қондани менсимай ҳаракатланиши ординан кимдир оғир жароҳатлангани, кимдир бир умрга ногирон бўлиб қолади ёхуд бир оила ўзининг боқувчиларини, фарзандлар ота-онасидан, ота-она фарзандидан тўдо бўлади. Йўлларимизда машинада туруб, пиедалар ҳаракатланиши ҳам тобора хавфли бўлиб бормоқда. Қўп ҳолларда пиедаларнинг йўлларни кесиб ўтишда қийналаётгани, ҳайдовчи-

лар эса уларга йўл бермаслигини кўра-миз.

Шу ўринда мулоҳазали бир фикрни айтиб ўтсак. Инсон ўлими билан боғлиқ ҳолатларда қонунчилигимизда 7 йилгача озоқликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган бўлса-да, бу норма амалда ҳар доим ҳам ишламайди. Жорий модда бўйича суд қарорларида энгиллаштирилган тартибда ҳукм чиқарилиш ҳолатлари кўп. Бу эса автохалқотлар яна ва яна содир бўлишига туртки бўлади. Ҳайдовчи жазо энгиллаштирилган тартибда ҳукм чиқарилишига ишонади. Шу боис, пиедаларнинг йўлдан ўтиш қисмида йўл бермаганилик учун жарама-лар миқдорини максимал даражада қўпайтириш, инсон ўлими билан боғлиқ автохалқотларни содир этганлик учун жазонинг муқаррар ва қатъий тартибда (7 йиллик ҳукм) амалга ошишини таъминлаш лозим.

Афсуски, бугун қонунларни менсимай, одамлар ҳаётига хавф солган ҳолда йўл қоидаларини бузиб ҳаракатланиш ва уни видеога олиб тарқатиш ҳолатлари ҳам кўпайди. Улар қоидаларни бузгани билан фахрланади. Яна шундай тоифадаги “эркатойлар” борки, сурбетларча “Жаримангни ёз, тўлаб қўяман”, дея мактабни ҳам кўяди. Бундайларни на жарима, на камера ва на светофор, ҳатто бирон кишини уриб юбориш эҳтимоли ҳам тўхта-та олмапти.



Оқибатда барчамиз йўлларда автомобилларга “ортиқча хавф манбаи” сифатида қарашига мажбур бўлялми-миз. Болаимизни мактабга ёки кўчага чиқаришда, албатта, “Йўлдан эҳтиёт бўлиб ўт”, “Машиналардан эҳтиёт бўл”, деб таъинлаймиз. Бу биринчи навбатдаги вазифамизга айланиб улгурди. Демак, бу йўлларнинг хавфсиз эмаслиги, йўллардаги қўнғилсизликлар кун сайин ортиб бораётганини одатий ҳолат сифатида қабул қилишни бошлаганимиздан далолат беради.

Ҳар биримиз бўлса, йўловчи ёки ҳайдовчи сифатида йўл ҳаракати иштирокчиларимиз. Ҳар ким йўлда хавфсиз ҳаракатланишни хоҳлайди ва шунинг учун йўл ҳаракати қоидалари жорий этилган. Қоидабузарга жазо тайинланган, шу йўл билан тартиб сақланиши белгиланган. Қондани буздики, албатта, жазо муқаррар бўлиши керак.

Йўлларда содир бўлаётган автохалқотлар, оқибатда ёш болалар ўлимининг кўпайгани барчамизни ташвишга солади. Мисол учун, Наманганнинг Қосонсойида машина тағида ёш боланинг мажаклан-

гани ёки Тошкентнинг Абдулла Қодирий кўчасида 12 ёшли қизнинг машина тағида қолиб вафот этгани... Буларни эшитишнинг ўзи одамни ларзага солади.

Мактаблар олдида тезликни ошириш тақиқланганини ҳаммамиз биламиз. Болалар ўтади, аммо деярли ҳеч ким меъёрга амал қилмайди. Қўз олдингизга келтиринг, ахир шу мактабда сизнинг фарзандингиз ҳам ўқийди-ку. Нега қонун ва қоидага амал қилмай-сиз? Мактаб борлигини биламиз, тезликни чеклаш бўйича оғохлантирувчи белгини кўрамиз-у, кўрмаганимизга оламиз.

Ҳатто пиедалар ўтиш йўлагига тезликни пасайтириб, кейин тўхтайдиган ҳайдовчилар йўқ ҳисоби. Болаларни-ку қўйинг, катта одамлар йўлдан ҳайқиб, кўриб, юрагини ҳовучлаб ўтади. Нега шунанга? Чунки пиедалар ўтиш йўлагини менсимаймиз, гўёки у бизга тўхташ учун тўқиб бўлолмайди, инкинчидан, жазо энгил, ҳайдовчи зар ёз кўр билан бемалол кутулиб кетишига кўзи етади ёхуд ички йўлларда кузатув камералари, йўл-патруль хизмати ходимлари йўқлигини жуда яхши билади. Минбарларда туриб, пиедалар транспорт воситаларидан устун, деб ҳар соламиз. Леким бугунги ҳолатимиз бунинг аксини кўрсатмаяптими?

Ҳозир биз автомобиллар учун шароитлар яхшиланигани кўрапмиз, холос, пиедалар учун эса нуқуллайикларни кўпайтиришда давом этаймиз. Бу автомобилъ



Бугунги кунда Ўзбекистон бўйлаб 11 мингта яқин пиедалар ўтиш жойи мавжуд. Бироқ уларнинг атиги 1834 тасида пиедалар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида светофор ёки бошқа йўл белгилари ўрнатилган. 2021 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда назоратсиз пиедалар ўтиш жойларида 2784 та бахтсиз ҳодиса кайд этилган бўлиб, улардан 1007 таси қоронғида содир бўлган. Шу сабабли республикамиз бўйлаб пиедалар бошқарадиган светофорларни ўрнатиш мўҳим ва бу “йўл — пиеда учун” тамойилини жорий этишга хизмат қилади.

йўлларида хавфсизлиқни таъминлаш тизими яхши эмаслигини аналтади. Тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарур.

Статистикага мурожаат қиладиган бўлсак, 2021 йил давомида ҳайдовчиларнинг пиедаларга йўл бермасдан ҳаракатлангани учун қўлланилган маъмурий қоидабузарликлар сони 101 минг 796 тани ташкил қилган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 142 минг 967 тани, 2023 йилнинг 8 ойида эса 90 минг 211 тани ташкил қилган. Бундай маълумотлардан одам даҳшатга тушади. Оқибатлар билан эмас, сабаблар билан қурашишимиз керак. Ҳар бир ҳолатни ўрганиб, аниқ таҳлиллар қилиш зарур.

Бугунги кунда Ўзбекистон бўйлаб 11 мингта яқин пиедалар ўтиш жойи мавжуд. Бироқ уларнинг атиги 1834 тасида пиедалар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида светофор ёки бошқа йўл белгилари ўрнатилган. 2021 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда назоратсиз пиедалар ўтиш жойларида 2784 та бахтсиз ҳодиса кайд этилган бўлиб, улардан 1007 таси қоронғида содир бўлган. Шу сабабли республикамиз бўйлаб пиедалар бошқарадиган светофорларни ўрнатиш мўҳим ва бу “йўл — пиеда учун” тамойилини жорий этишга хизмат қилади.

Энг ёмон жиҳати шундаки, биз юз бериши мўкин бўлган ҳодисаларнинг олдини олишга ҳаракат қилмаяпмиз. Фақатгина воқеа содир бўлиб, шов-шув кўтарилганига унинг сабабларини ўрганиб, ечим топишга қўнқиб қолдик.

Бунинг натижасида пиедалар ўтиш жойларида светофорлар одатда ўлим билан яқунланган бахтсиз ҳодисалардан кейин пайдо бўлиши одатга айланди. Мисол учун, юқорида айтганимиз, Абдулла Қодирий кўчасидаги автохалқот ва унинг натижасида ёш боланинг вафот этиши ординан ушбу пиедалар ўтиш йўлагига светофор билан жиҳозланди. Яна бир мисол, пойтахтимиздаги Махтумқули кўчасида

пиедалар ўтиш йўлагига бир аёл машина уриб кетиши оқибатида вафот этган, уша жойга ҳам қўп ўтмай, пиедалар бошқарадиган светофор ўрнатилди.

Табиатимиз шундай, қачонки қизил белгини қўясиз, кейин тўхтаймиз. Шу боис, мактаб атрофига, пиедалар ўтиш йўлакларига, албатта, қўлда бошқариладиган светофорлар ўрнатилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Ўз навбатида, ҳайдовчи ва пиеда ўртасидаги муносабатни шакллантириш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тақлифларимизни билдириб ўтамиз.

Биринчидан, йўл ҳаракати иштирокчиларнинг қоидаларга амал қилиш маданиятини ошириш керак. Инсонни қадрлашни ўрганмасдан туриб, бунга эришиб бўлмайди. Бунини ҳайдовчи ва пиеда ўртасида шакллантириш лозим. Шундагина ўзаро ҳурмат ва қўнунларга итоат руҳи пайдо бўлади.

Иккинчидан, инсон ўлими билан боғлиқ ҳолатларда қонунчилигимизда 7 йилгача озоқликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган бўлса-да, бу норма ишламайди. Бу эса автохалқотлар яна ва яна содир бўлишига туртки бўлади.

Демак, пиедаларнинг йўлдан ўтиш қисмида йўл бермаганилик учун жарама-лар миқдорини максимал даражада қўпайтириш, инсон ўлими билан боғлиқ автохалқотларни содир этганлик учун жазо муқаррарлигини қўпайтириш лозим.

Учинчидан, автомобиль йўлларида хавфсизлиқни таъминлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарур. Пиедалар ўтиш йўлакларини тўлиқ автоматлаштириш ҳамда қўлда бошқариладиган светофорларни ўрнатиш керак. Ҳар қандай маблаг инсон ҳаётидан қимматли эмас.

Тўртинчидан, ҳар ҳафтада энг қўп қоидабузарлиқни амалга оширган ҳайдовчилар рўйхатини вилоятлар кесимида ёзлон қилиб бориш тизимини жорий қилиш лозим. Ким қандай қоида бузганини бошқалар кўрадиган тизим керакка ўхшамайди.

Қадимда қоидабузарлар халқ олдида олиб чиқиб қўрсатилган. Ушбу тизим бугун ҳам айрим давлатларда амал қилади. Бу, ўз навбатида, қоидабузарликлар сони қамайишига олиб келади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, сиз мўҳим ҳисобламаган йўл маданияти ҳаётингизнинг аччиқ хотимаси бўлиши мўкин. Шундай экан, ҳар биримиз ўз мажбуриятимизни тўла ҳис этган ҳолда, йўлларда маданиятли йўловчи ва ҳайдовчи сифатида ҳаракатланайлик!



БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ

КЕЛГУСИ АСРНИНГ БАХТИ

УШБУ АСРДА ҚУРИЛАДИ

ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ RIШТАЛАР, УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДАГИ МЕЗОНЛАР



Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз 2017 ва 2019 йилларда Хитойга давлат ташрифлари доирасида “Бир макон, бир йўл”нинг биринчи ва иккинчи халқаро форумларида иштирок этди. Айни кунга келиб, бу дастур Осиё, Европа ва Африкадаги 100 дан ортиқ мамлакатни қамраб олган 2 минг 600 дан зиёд лойиҳани ўз ичига олган.

АГАР БИР ЮРТНИ БИЛМОҚЧИ БЎЛСАК...

Кишилар бир-бирини яхши англамоғи учун бир пуд тузни баҳам қўриши керак, деган нақл бор. Бунга ҳаётий тажриба ҳам тасдиқлаб келади. Агар бир юртни, мамлакатни билмоқчи бўлсак-чи? Унда қандай тамойилларга амал қилиш зарур бўлади? Табиийки, бу борада ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос талаб-тамойиллари бор.

Масалан, Чин юртида бунинг учун Буюк Хитой девори, Императорлар саройи, Сиандаги ер ости ёдгорликларини қўриш ва албатта, Пекин ўрдагидан тотиш зарур, деган фикрни билдиришади. Бу мамлакатнинг бошқа жойларида бўлсангиз-у, лекин ана шу уч қадимий масканини қўришу ўзига хос таомини тотиш насиб этмаса, демакки, сиз ҳали Хитойда бўлмабсиз, дейишади. Бу фикрларга асос шуки, улар Хитой тарихининг кўзгуси ва жаҳон маданиятининг ноёб намуналари сирасига киради. Каминага уларнинг ҳаммасида бўлиш насиб этган ва ҳозирги ҳикоя ҳам ана шу таассуротларнинг жажжи бир сурати, кейинги пайтда жадал ривожланаётган ўзаро муносабатларнинг муайян тахлили ҳисобланади.

Буюк Хитой деворини хитойликлар “Винли Чонгман” деб атайдилар. Ўзбекчага ўтирилганда, 10 минг ли узунликдаги девор, деган маънони беради. Тарихий манбаларга қараганда, унинг дастлабки қисми миллоддан аввалги IV-III асрларда ёвдан муҳофаза воситаси сифатида қўрилган ва 200 йил давомида 500 километрга узайтирилган. Умуман олганда, уни қўриш ва мустаҳкамлаш ишлари икки минг йил мобайнида олиб борилган, энг қизғин пайти XIV-XV асрларга тўғри келади.

Улуғ шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг “Садди Исқандарий” дostonида бу мудофаа иншооти Садди Чин девори сифатида тилга олинган. Шу далилнинг ўзиёқ унинг ўша даврларда Мағрибу Машриққа машхур бўлганидан гувоҳлик беради.

Пекин яқинидаги Цзяйгуань масканидан то Ляодун кўрфазига қадар чўзилган қалъа ва қўрғонларни қамраб олган деворнинг узунлиги кутарилиш жойлари ва тармоқлари билан қўшиб ҳисоблаганда 5 минг километрдан ортиқ бўлган. Базми манбаларда унинг умумий масофаси 7 минг чақиримга яқинлиги ҳақида ҳам сўз боради.

Бу мудофаа иншооти ўз даврининг барча ҳарбий талабларини ҳисобга олган ҳолда бунёд этилган. Унинг баландлиги ўртача 6,6 метр, шинак деворлари билан 8-10 метрни ташкил этган, кенлиги 6,5 метрдан иборат бўлган. Қўрилиш ашёлари сифатида тош ва гилдан фойдаланилиб, ичи тўпурқ билан тўлдирилган. Заруратга қараб, ҳар 100-150 метрга соқчилар учун тўртбурчакли буржлар, ҳар 10 километрда кузатиш ва хабар бериш учун миноралар, тоғлардаги муҳим ўтиш жойларида мустаҳкам қўрғонлар бўлган. Бироқ йиллар сурони ва даврлар тўфони унинг кўп қисmini вайрон қилган. Бу масканлар айни

даврда миллионлаб сайёҳ ташриф буюрадиган нодир иншоотларга айланган.

Чин юртида қадим-қадимдан ҳар бир сон ёки рақамнинг ўз моҳияти, инсон ва жамият ҳаётида тутадиган ўрни бор, деган русумга амал қилиб келинган. Хусусан, 9 рақами энг юқори маънага эга бўлган. Чунки у ўзига қадар бўлган сонлардаги барча хусусиятларни мужассам этган, ундан юқори рақам Яратганининг ўзига дахлдор, деб билишган.

Масалан, Осмон ҳукмдори 10 мингта хонага эга бўлиши шарт экан. Ўзини “Осмон ўғли” деб эълон қилган императорлар 10 минг хонага эга иншоот қўришга, ўнта тугмали ёки шунча аждар расми туширилган либос кийишга ҳақли бўлмаган. Шу боис, Пекин шаҳридаги Тяньаньмэнь майдони шимолида жойлашган, баҳайбат деворлар билан ўралган Император саройи ҳам 9 минг 999 хонадан иборат. Бу ерда тўққизта дарвоза бўлган, уларга солинган нақшинкор белгиларни энига ва бўйига санасангиз тўққизтадан ошмайди. Шунингдек, кўҳна даврларда Хитой тўққизта вилоятдан иборат бўлган.

Император саройи қўрилиши 1420 йилда бошланган ва унда беш аср мобайнида Мин ва Цин сулолаларининг 24 императори ашаб, ҳукмронлик қилган. Бугунги кунда у ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатида киритилган.

Мутахассис олимлар мамлакатда 9 рақами билан боғлиқ яна қўллаб қадимий расм-русумлар ҳақида ҳикоя қилади. Лекин биз уларни тинглар эканмиз, улуғ аждодларимиз Соҳибқирон Амир Темурунинг 9 апрелда, шеърят султони Мир Алишер Навоийнинг 9 февралда таваллуд тогани ҳаёлимиздан кетмади. Гўёки бунда ҳам биз англаб етмаган дунёвий ҳикмат, ўзига хос маъно-моҳият бордай туюлаверди.



Пекинга боргандан кейин у ернинг ўрдагини татиб қўриш жоиз, албатта. Унинг мухтасар тарихи шуки, қадим замонларда пойтахтдан чет ҳудудларга кемаларда дон-дун жўнатишлар ёки келтиришлар экан. Кема тириқчиларидан тушиб қолган озуқаларни еган ўрдақлар тез етилувчан, жуда хуштаъм бўлгани боис, доврўғи чор-атрофга таралган, уни татиб қўриш одамларнинг орзу-ниятига айланган.

Айни кунларда бу таом Хитойнинг ўзида ва дунёнинг қўллаб жойларига пиширилса-да, Пекиндаги унинг номи билан аталадиган қадимий ресторанда тайёрланганчалик маълуми машхур эмас. Бу ерда ўрдақ гўштига қанд уни билан ишлов берилади, ташки томони тандирда қўрилиб, ички қисми қозонда қайнатилади.

Ўрдақни дастурхонга тортиш жараёни ҳам ошпазлар томонидан катта маҳорат билан бажарилади. Олтин-шоколад ранг касб этган таом шундай бўлаётганда бўлиб қўйиладими, албатта, унинг ҳар бирида гўшти ҳам, суяги ҳам тенг бўлади. Улар соус ва кўкатлар билан ҳамир қотирмага ўраб тановул қилинади.

Сиан — Буюк ипак йўлига доялик қилган кўҳна шаҳар. Сианликлар ўз ота-боболарининг давлатчилик тарихига қўшган ҳиссаси, қолдирган нодир маданий меросидан ҳақли равишда фахрланади. Фикримизга икки далил: биричидан, эрамиздан олдинги 202 йилга қадар булақларга бўлиниб ётган Хитой ҳудудлари бирлаштирилиб, ягона давлатга асос солинганда Сиан ана



шу юртнинг пойтахти бўлган. Иккинчидан, бу ердаги ер ости обидалари ҳозирги кунда ҳам ҳар қандай кишини ҳайратга солади.

Улардан бири — терракот ҳайкаллар. 1974 йили деҳқонлар Шанси вилоятидаги Лишань тоғида қудуқ қазир экан, қўтилмаганда лойдан ишланган ҳайкалларни топиб олди. Шу тариха жаҳонга машхур ер ости обидалари кашф қилинди.

Бундай қўрғонлар ўша давр жамиятида мавжуд лавозимларга мос равишда барпо этила бориб, император саройи билан якун топган. Аслида, бундай улкан обидани барпо этиш нима учун зарур бўлган, деган савол туғилиши табиий.

КЎҲНА ТАРИХ САНЪАТИ ВА БИТИКЛАРИДАГИ ҲИКОЯТЛАР

Табиийки, тарихнинг ана шу давридаги ҳаёт ҳақида гап борганда, ёдимизга ўзимизнинг Сурхондарё ва бошқа вилоятларнинг кўҳна масканларида топиладиган будда ибодатхоналари ёдга тушади. Масалан, Қоратепа ва Далварзинтепа ёдгорликлари ҳам эрамиздан олдинги туртинчи асрларда қўрилган, улар ҳам ғорларда жойлашгани, ҳайкалчалар, бошқа илоҳий тасвирлар ўхшашлиги, ганч ўймакорлиги унумли ишлатилгани билан бир-бирини айнан таққорлайди. Ана шу жиҳатларнинг ўзиёқ ўша даврда ҳам Чин эли билан ўзаро алоқалар мавжуд бўлганидан далолат беради.

Хусусан, миллоддан аввалги II асрдан бошлаб Хитой ва Марказий Осиё тарихий-маданий ҳудудлари билан савдо ва маданий алоқалар ривожланиб борди. Фарғона, Сўғд ва Бактрияга ипакчилик кириб келди. Карвон йўли ривожланиб боргани сари савдо-сотиқ ва маданий ришталар янада мустаҳкамланди. Кушонлар ва эфталитлар даврига келиб (I-VI асрлар) Марказий Осиё орқали ўтувчи Ипак йўли тармоқлари назоратини маҳаллий сўғдий аҳоли қўлга олади.

Кушонлар даврида ўрнатилган барқарорлик буддизмнинг Тарим дарёси (Тарим — ХХРдаги Синцзян Уйғур мухтор тумани ички дарё тизимининг бош ўқи бўлган йирик дарё) ўлкасига, у ердан Хитойга, Корея ярим оролига ва Японияга кўчиб ўтишига имкон берди. Буддизм Ипак йўлидаги ҳаёт ва санъатнинг қўллаб жойларига улкан таъсир қўрсатди, — деб ёзади инглиз тарихчиси Сюзен Уитфилд 2018 йилда чоп этилган “Ипак, қўллар ва ступалар. Ипак йўлининг моддий маданияти” китобида. — Марказий Осиё фақат

ўтгандан сўнг Европада ҳам бадийи нақш беришда ишлатилган.

Олтинчи асрда Марказий Осиёда бўлган сайёҳ Си Ю Чининг эсдаликларида хитойликларнинг қадимий “Тан шу” китобида ҳам бу алоқалар қандай тарзда йўлга қўйилганига доир қўллаб мисоллар келтирилди.

Эттинчи асрга келиб эса Самарқанд Шарқ мусиқа санъати марказига айлангани, уд, арфа, най, флейта, доира каби асбоблар шу ерда яратилиб, самарқандлик мусиқачи ва хонанда қадар Хитой императорлари саройида истеъоддорлини намойиш этган, уларга ўз санъати силраларини ўратган. Умуман олганда, Хитой халқларининг мусиқа санъати ва асбоблари шаклланишида сўғд мусиқий анъанасининг таъсири катта бўлган.

Буюк ипак йўли бўйлаб қўллаб карвонсаройлар, шаҳарлар барпо этилди. Ўртимиз бу йўлнинг ўртасида жойлашгани сабабли савдогарлар Хоразм, Самарқанд, Термиз ва бошқа ҳудудларда молларини сотиб, маҳаллий маҳсулотларни харид қилар эди. Ўрта асрлар Ўрта Осиё бозорларида четдан келтирилган қўллаб маҳсулотлар мавжуд эдики, ҳозирги кунда Ипак йўли устидаги кўҳна шаҳарлар ва манзилгоҳлардаги археологик қазималар натижасида топилаётган топиломалар шундан шохидлик беради.

ЯНГИ ТАШАББУС ВА ЛОЙИҲАЛАР

Ўтган йили август ойида давлатимиз раҳбари ғояси ва ташаббуси билан Самарқандда “Буюк ипак йўли” халқаро туризм маркази иш бошлади. Унинг таркибида 8 та замонавий меҳмонхона, Конгресс холл, “Боқий шаҳар” мажмуаси, амфитеатр ва қўллаб бошқа иншоотлар бор.



хомашё манбаси бўлмаган, бу ерда моддий маданиятнинг ажойиб намуналари ишлаб чиқарилган. Мисол учун, Бактрия олтинини ва унинг Корея ярим оролидаги цивилизация — тамаддунга қўрсатган таъсирини олайлик. Ёки Хиндикушдан қазиб олинган лажувардини эслайлик, у Ипак йўли юзига келишидан анча олдин Шимолий Африкага экспорт қилинган ва бутун Ипак йўли йўналиши давомида, орадан анча вақт

Президентимиз марказнинг очилиш маросимида бундай фикрларни билдирган эди: “Ушбу янги қўркам мажмуага “Буюк ипак йўли” деб ном берганимиз замирида чўқур маъно бор. Асрлар давомида Хитойнинг қадимий Сиан шаҳридан бошланиб, дунёнинг қўллаб мамлакатлари ҳудудидан ўтган ва кўҳна Римга қадар етиб борган бу улкан савдо йўли жаҳон халқлари ўртасидаги иқтисодий,

маданий-маърифий мулоқот воситаси бўлиб келган. Азим Самарқанд эса Буюк ипак йўлининг асосий манзилларидан бири бўлганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Шуни ҳисобга олиб, биз янги марказдаги биноларда Буюк ипак йўли даврига оид тарихий манзараларни ҳам акс эттирдик. Масалан, “Боқий шаҳар” мажмуаси безакларида қадимий Афросиёб деворларида сақланиб қолган Сўғд давлати ҳукмдорининг Корея, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросими тасвирларидан фойдаландик.

Йўлайманки, ана шу давлатларнинг элчилари ва хорижий сайёҳлар ҳам ушбу тасвирлар билан танишиб, ўз юртлари тарихини шу ерда кўргандек бўлади. Биз Буюк ипак йўли орқали ривожланган ана шу тарихий анъаналарни, бугун тараққиёт, маданият, дўстлик ва ҳамкорлик йўли сифатида қайта тиклашга интиломдамиз”.

Бу сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигининг ривожланиб боришида ҳам яққол кўзга ташланади. Кейинги йилларда Хитой инвестицияси ҳажми беш баробар, қўшма корхоналар сони уч баробар кўпайди. Жорий йил бошидан буюн ўзаро савдо ҳажми 36 фоиз ошди. Йил якунига қадар ушбу кўрсаткич 10 миллиард доллардан ошиши кўтилаётган бўлса, товар айирбошлаш яқин беш йилда 20 миллиард долларга етказилиши учун барча асослар бор. Бинобарин, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қўриш лойиҳаси бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Маданият, таълим ва туризм соҳаларида қизиган ҳамкорлик йўлига ўтилди. Яқинда Ханчжоудаги Ипак миллий музейида Ўзбекистоннинг тақдими топилиб ўтди. Пекиндаги Гугун саройи музейида “Макон ва йўл” ташаббуси доирасидаги археологик ҳамкорлик кўргазмасида тарихий меросимиз экспозицияси ташкил этилди.

Яқинда Самарқанд ва Сиан ўртасида маданий ва туризм соҳаларидаги ҳамкорлиқни ривожлантиришга доир учрашув бўлиб ўтди.

— Самарқанд билан ҳамкорлиқни ривожлантириш мақсадида меморандум имзолаб, Буюк ипак йўлидаги икки қадимий шаҳар ўртасидаги алоқаларни қайта тиклаймиз, — деди Сиан шаҳри маданият ва туризм бошқармаси бошлиғи ўринбосари Зуо Донг. — Қадимий Самарқанднинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни барчага аён. Бизнинг Сиан шаҳри ҳам уч минг йиллик тарихга эга. Буюк ипак йўли Сиандан бошлаб боради. Унинг маданияти, тарихи ҳам жуда бой. Жаҳон маданий меросидан жой олган олпата тарихий маскан жойлашган. Тақдиримиз давомида бунга янада ёрқинроқ тушуниришга ҳаракат қилдик. Йўлайманки, ушбу тадбиримиз Сиан ва Самарқанд ўртасида туризм, маданият соҳаларидаги ҳамкорлигимизнинг янги босқичини бошлаб беради.

Президентимиз “Бир макон, бир йўл” учинчи халқаро форумидаги нутқида табиий ресурслар ва атроф-муҳитга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш бўйича анъанавий қадриятларни қарор топтирмасдан туриб, “яшил” тараққиётга ўтиш мумкин эмаслигини билдирар экан, мажкур ташаббус доирасида “яшил” маданиятни ривожлантириш бўйича глобал дастурни ишга туширишни ва унда этноэкологик фестиваллар, форумлар, мамлакатларимиздаги таниқли жамоат арбоблари, фан, бизнес ва маданият намоёндалари иштирокида тақдирот ва тадбирларни ўтказишни назарда тутишни таклиф этди.

Тез орада Ўзбекистонда Хитой маданияти кунларини, келгуси йил баҳоридан эса Хитойда Ўзбекистон маданияти кунларини ўтказиш мўлжалланяпти. Хитой тилини ўрганишда Тошкент ва Самарқанддаги Конфуций институтининг самарали фаолияти катта ҳисса қўшаётган бўлса, ёш олимлар ўртасидаги алмашинувни кенгайтириш режалари белгилан олган. Тошкентда Хитойнинг етакчи Цинхуа университети ва Пекин университети филиалларини очиб тақлифи илгари сурилди.

Президентимиз нутқи якунида донишманд хитой халқининг “Келгуси асрнинг бахти ушбу асрда қурилади”, деган мақолини эслар экан, “Бугун биз саъй-ҳаракатларимизни бирлаштирган ва қучайтирган ҳолда инсониятнинг “яшил” келажаги учун мустаҳкам пойдевор яратмоқдамиз”, деди. Демакки, бунда “яшил” келажакни яқинлаштиришга қаратилган лойиҳалар, жумладан, “яшил” маданиятни ривожлантириш бўйича глобал дастурнинг ишга тушиши ҳам муҳим ўрин тутди.

МЕВА-САБЗАВОТ ЭКСПОРТИДА ЯНГИ ЙЎНАЛИШ

**Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Бошланиши 1-бетда

Бу борада деҳқон ва фермерларга қўмлаштириш, даладаги маҳсулотни қайта ишлаб, экспортга тайёрлаш жараёнида қайта сифатли таъминоти таъминоти қаратилган агрологистика марказлари ташкил этилаётгани аниқ мўлдат. Бундай марказлар деҳқон ва фермерларни жамлаб, ўзбек бренди остидаги мева-сабзаотларни хорижга экспорт қилишда муҳим тизимга айланди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида ҳам юртимиз ҳудудларида шундай марказлар фаолиятини йўлга қўйиш белгиланган. Бу борада жаҳон тажрибасини ўрганиш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳамда улар томонидан ажратилган маблағни самарали ўзлаштириш, аниқсиз, муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилаётган “Боғдорчиликнинг қиймат занжири инфратузилмаси” лойиҳаси шулардан бири. Лойиҳанинг умумий қиймати 244,75 миллион доллар, асосий қисми ОТБ маблағлари ҳиссасига тўри келади. Шу ҳафта пойтахтимизда мазкур лойиҳанинг тақдими ўтказилди.

Тошкент вилояти импорт бўйича хабга айланади

— Мева-сабзаот маҳсулотларини қайта ишлаш, саралаш, қадоқлаш, сақлаш, истеъмолчига етказиб бериш ҳамда улгуржи бозорни ўз ичига олган йирик агрологистика комплексларини ташкил этиш лойиҳанинг мақсадидир, — дейди лойиҳа раҳбари Жасур Матрасулов. — Бунинг учун юртимизда умумий қуввати 1,7 миллион тонналик 3 та йирик агрологистика маркази қурилади. Улар Тошкент вилоятидаги 30, Самарқанддаги 22 ва Андижондаги 18 гектар ерда барпо этилади. Лойиҳага Франциянинг “Ранжис-Самарис” компанияси жалб қилинган. Улар

комплексларни қуриш ва халқаро савдо маркази остида фаолиятини муваффақиятли ташкиллаштириш жараёнида қатнашади. Гап шундаки, ушбу компания бугунги кунда Париж атрофидаги йиллик айланмаси 9 миллиард евро бўлган дунёда энг йирик озиқ-овқат логистика марказига эгалик қилади. Европада етакчи брендлардан бири бўлиб, жаҳон бўйлаб улгуржи озиқ-овқат бозорларини қуриш ва ташкил этишда илғор тажрибага эга.

Лойиҳа аввалида “Ранжис-Самарис” компаниясида бўлиб, унинг фаолияти ва филиалларини ҳам ўргандик. Француз компаниясининг модели бизга маъқул келди ва келишувга эришдик. Улар қўйган асосий талаблардан бири комплекснинг ер майдони кичик бўлмаслиги керак эди. Боиси, комплекслар бир марта қури-



либ, шу билан тўхтаб қолмайди, кейинчалик ҳам кенгайтириб борилади. Қолаверса, мутахассисларни компаниянинг ўзи ўқитиб, комплекслар қуриб битказилгач, иш жараёнини ташкиллаштиришда ҳам қўмлашади.

Мутасаддиларнинг айтишича, лойиҳа 2019-2024 йилларга мўлжалланган



эди. Бироқ пандемия сабаб ишлар кечикди, шу боис, яна икки йилга узайтирилди. Ҳозирги кунда лойиҳа бош режалари ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Энди тендер эълон қилиниб, лойиҳага қурувчи компаниялар жалб этилади. Келаси йилдан эса қурилиш бошланади.

“Ранжис-Самарис” мутахассислари билан бир неча йилдан бери ушбу лойиҳа устида ишланяпти. Лойиҳа йирик қўламли бўлгани боис, бош режаларни ишлаб чиқишдан олдин уни ўрганиш ишлари олиб борилди. Хусусан, ҳудудларнинг бозор конъюнктураси, транспорт қатнови, атроф-муҳит, инфратузилма ва унга уланмиш нуқталарига техник шартлар, кадастр ҳужжати, топосъёмка, геология ва гидрогеология ишлари амалга оширилди. Аниқ пайтда Андижон ҳамда Самарқандда агрологистика марказини қуриш бўйича бош режа ишлаб чиқилиб, тақдими ўтказилди.

Франция компанияси лойиҳа истиқболларини юқори баҳоламоқда. Улар ҳамкорлиқни кейинчалик ҳам давом эттириш ниятида. “Биз Ўзбекистонда замонавий сақлаш тизимини йўлга қўймоқчимиз. Бу ҳамкорликдаги биринчи ва энг узоқ муддатга мўлжалланган лойиҳамиз. Ҳозир асосий вазифамиз қурилишнинг бошлаб олиш. Комплекс ишга тушганидан кейин ҳам бу ерда компаниямиз вакиллари доим бўлади ва иштирокчиларга ёрдам бериб боради. Асосий мақсадимиз Ўзбекистон ва Франция ўртасида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдан иборат”, дейди “Ранжис-Самарис” вакили Бертранд Амброиз.

Ўрганиш жараёнида Осиё тараққиёт банки мутахассислари ҳам қатнашди. Икки томон биргаликда барча ҳудудлар салоҳиятини кўриб чиққач, лойиҳани амалга ошириш учун юқоридаги 3 ҳудуд — Тошкент, Самарқанд ва Андижон вилоятлари танланди. Ушбу ҳудудлар экспорт ва импорт учун анча қўлай. Масалан, Андижон ва Самарқанд вилоятлари, асосан, экспортга мўлжалланган. Чунки ушбу ҳудудлар ва атрофидаги вилоятларда кўп миқдорда мева-сабзаот етиштирилади. Уларни бир жойга олиб келиб, қайта ишлаш ва экспорт қилиш самарали. Тошкент вилояти эса импорт бўйича хабга айланади. Мамлакатимизга кириб келадиган маҳсулотларнинг асосий қисми шу ердаги агрологистика комплексидан тўланиб, юртимиз бўйлаб тарқатилиши режалаштирилган.

Мутахассисларни французлар тайёрлайди

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳанинг умумий қуввати 1,7 миллион тонна, экспорт ҳажми эса 956 минг тонна ташкил этади. Агрокомплекслар ишга тушгач, 4 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Лойиҳа доирасида мева-сабзаотчилик билан шуғулланувчи фермер, деҳқон хўжаликлари жалб этилади.

Боиси, мажмуа ўз номи билан аграр соҳа вакиллари, хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга мўлжалланган, шу йўналишдаги барча хизматларни тақдир этади. Маҳсулотни даладан йиғиб олишдан тортиб, саралаш, қадоқлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб бериш ушбу тизим орқа-

ШАРҲ



**Норбўта БОБОХОЛОВ,
“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раисининг иқтисод ва молиявий масалалар бўйича маслаҳатчиси, иқтисодиёт фанлари доктори**

Бошланиши 1-бетда

Ушбу қарор қабул қилинишидан олдин дунёдаги қатор ривожланган давлатларнинг темир йўл транспортда амалга оширган ислохотларини ўрганиб, халқаро тажрибалар асосида янги йўналишлар белгилаб олинди.

Австрия, Бельгия, Германия, Италия, Латвия, Польша, Греция каби давлатларда инфратузилма ва транспорт хизматлари институционал ва тактик равишда алоҳида юрисдикцияга ажралган, темир йўл ҳолдинг таркибидан чиқиб, мустақил субъектга айланган. Шаҳарларро юк ташиш акциядорлик жамиятлари ташкил этилган, йўловчи ташиш ҳамда транспорт хизматини кўрсатувчи инфратузилма таъминлаштирилган, шохобчаларга хизмат кўрсатиш ҳуқуқи берилган. Шунингдек, ҳолдинг раҳбариятига темир йўл хизматларининг умумий бошқаруви ва назорати функцияси берилган.

Жаҳон тажрибасида темир йўл инфратузилмаси объектларини ривожлантириш долзарб вазифа сифатида қараб келинган. Жумладан, Россия, Қозғоғистон ва бошқа қатор давлатларда темир йўл инфратузилмаси алоҳида ажратиб олинди, давлат тасарруфида қолдирилган. Бундан кўзланган асосий мақсад эса ташиш хизматлари хавфсизлигини таъминлаш, янги темир йўл линиялари қуриш, электрлаштириш даражасини ошириш, оптик топаи линиялар ёрдамида алоқа каналларини мустаҳкамлаш ҳамда йўлларни капитал таъмирлаш лойиҳаларини амалга оширишга эришишдир.

Шулардан келиб чиқиб, қарор ижроси доирасида Ўзбекистон темир йўллари-нинг йўл хўжалиги, электр таъминоти,

ТЕМИР ЙЎЛ БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИГА МОСЛАШАЯПТИМИ?

дий ва молиявий салоҳияти юқори бўлган йўналиш ва соҳаларга мустақил ривожланиш, жумладан, маҳаллий ва халқаро молия бозорларида қишлоқ ҳамда давлат қўманисиз кредит ресурсларини жалб қилиш учун имконият яратилади.

Ҳозирги кунда темир йўл поездларга мўлжалланган темир йўл тармоғи замонавий транспорт тизими мақсули бўлиб, бор-йўғи 20 та мамлакатда йўлга қўйилган. Бундан бир неча ўн йиллар аввал бир шаҳардан иккинчисига тезроқ бориш учун фақатгина ҳаво транспортини фойдаланиларди. Энди шаҳарлар, ҳатто мамлакатларни ўзаро боғловчи темир йўл поездлар пайдо бўлди.



Бугун дунёда яратилаётган янги, замонавий поездлар ҳатто самолётлар билан ҳам рақобатлашмоқда. Аксар ривожланган давлатлар муваффақиятли тараққиётда темир йўл поездлар масаласини муҳим қисм сифатида қўймоқда. Чунки темир йўл поездлар иқтисодиётда жадал ривожланишининг муҳим омилдир.

Ана шу нуқтага назардан, янги қарор доирасида юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездларда йўловчи ташиш хизматини кўрсатиш ҳамда юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездлар

хўжалигини сақлаш ва ривожлантириш бўйича “Темирйўлэкспресс” АЖ ташкил этилиши диққатга сазовор.

Жанубий Кореянинг “Hyundai Rotem” компаниясидан юқори тезликда ҳаракатланувчи 6 та электропоезд, Чехиянинг “Skoda Transportation” компаниясидан 30 та электропоезд харид қилиниши қўйилмоқда. На-тижада Тошкент — Самарқанд — Бухоро йўналишларида юқори тезликда ҳаракатланувчи қўшимча ҳамда Тошкент — Хива йўналишига янги электропоездлар ҳаракати йўлга қўйилиб, йўловчиларни манзилга етказиш вақти олти соатгача қисқаради.

Вокзаллар фаолиятини таъминлаш бўйича “Темирйўл вокзаллари” МЧЖ ва

хизматлардан тушадиган тушумни ошириш ва уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш юзасидан тизимли ишларни амалга ошириш мақсадида “Темир йўл ижтимоий хизматлар” муассасаси фаолияти йўлга қўйилди.

Рақамлаштириш ишларида эса алоҳида эътибор қаратилади ва бунда юк ва йўловчи ташишни бошқаришнинг тезкор автоматлаштирилган миллий ахборот тизими яратилади. “Ягона дарча” тамойили асосида юк ташиш соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича миқозлар билан ўзаро ҳамкорлик ахборот тизими йўлга қўйилиб, бу божхона ахборот тармоғи, жумладан, юк ташишда товарга илова қилинадиган ҳужжатлар, Божхона қўмитасининг “Е-транзит” ахборот тизими маълумотлари “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг тегишли ахборот тармоқларида ўзаро интеграция қилинади. Бу орқали юк вагонларидан фойдаланиш ҳамда темир йўл чипталарини харид қилишда шаффофликка эришиш мўлжалланмоқда. Юк жўнатувчи онлайн равишда вагонга буюртма бериши, тўловни амалга ошириши, жўнатишнинг ҳолати ва дислокацияси бўйича маълумот олиши мумкин бўлади. Йўловчиларга онлайн чипта сотиб олиш имконияти яратилади.

Албатта, буларнинг барчаси хизмат кўрсатиш жараёнини жаҳон стандартлари асосида ташкил этишга қаратилган вазифалардир. Бунда уларнинг узлуқсизлиги, сифатлилиги, хавфсизлиги, барқарорлиги ва ишончлилиги таъминланади. Бугунги кунда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқаруви таъминлаштириш масаласи долзарб аҳамиятга эга. Чунки миллий иқтисодиётда корпоратив сектори муваффақиятли ривожлантириш учун самарали бошқарув, замонавий механизмлари тезкор жорий этиш давр талабидир. Шунинг эътиборига олган ҳолда, темир йўл соҳасидаги давлат улуши мавжуд компанияларда корпоратив бошқарув тизими тубдан яхшиланиб, соҳага маълум хорижий менежер ва мутахассислар жалб қилиниши кўзда тутилмоқда.

Ҳужжат билан темир йўлда ташиш тарифлари тартибга солиниб, юкларни маҳаллий, экспорт ва импорт йўналишларда ташиш тарифларида тақдим этилган

ли амалга оширилади. Бу ерда фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолият юритиш учун жойлар ажратилади. Транспорт, божхона, ҳужжатларни расмийлаштириш каби 10 дан ортиқ хизмат шу ернинг ўзида кўрсатилади.

Замонавий комплексда маҳсулотни стандартлаштириш лабораториялари, меҳмонхона, бизнес учрашувлар учун конференц заллар қурилади. Бу ерда ҳатто чиқиндини қайта ишлайдиган линиялар ҳам бўлади.

Айниқса, экспортбон маҳсулотларни жаҳон стандартлари асосида тайёрлаш, илғор технологиялар бўйича қадоқлаш ва сифатли етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилади. Умуман, ушбу комплекс мамлакатимиз мева-сабзаот экспортини бир неча баробар ошириш, ўзбек бренди остидаги маҳсулотларимизнинг янги бозорларга кириб бориши-ни таъминлаш кўзда тутилган. Бу жараёнда агрологистика комплекси аграр соҳа тadbirkorларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зарур қўмакларни бериш вазифасини бажаради.

— Маҳсулотларни нафақат экспорт қилиш, балки бошқа давлатлардан қабул қилиб олиш ҳам муҳим жараён, — дейди Ж.Матрасулов. — Қонун-қоидасини билмаган тadbirkor бу масалада жиддий муаммоларга дуч келиши мумкин. Шу боис, комплексда импортга қўмаклашиш борасида ҳам зарур хизматлар кўрсатилади. Яна бир жиҳати, французлар бу йўналишларда мутахассисларни ўзлари ўқитиб, энг илғор тажрибалар билан таништириб боради. Демак, Франция компанияси билан ҳамкорликда барпо этиладиган агрокомплекс юртимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшимча имкониятлар баробарида янги профессионал йўналишларни ҳам очиб беради.

Айни вақтда Андижон, Самарқанд вилоятлари ва уларга туташ ҳудудлардаги деҳқон, фермер хўжаликлари маъсуллари билан суҳбатлар ўтказилиб, агрокомплекс имкониятлари ҳақида маълумотлар берилляпти. Соҳа вакиллари мана шундай замонавий агрокомплексларда фаолият юритишга қатъи қизиқиш билдираётгани, айниқса, қувонарли. Халқаро ҳамкорликдаги йирик лойиҳа эса мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тармоғини замонавийлаштириш йўлидаги яна бир муваффақиятли кадам бўлади.

чеғирмалар 2024 йил 1 январдан бекор қилиняпти. Уларни фақат Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тақдим этиш тартиби жорий этилади, юк вагонлари ва контейнерларни тақдим этиш ҳамда юқори тезликда ҳаракатланадиган ва темир йўл поездларда йўловчиларни ташиш хизматлари тарифларини давлат томонидан тартибга солиш амалиётидан воз келиб, бозор тамойиллари асосида тартибга солиш механизмига ўтилади.

2025 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий йўналишларда йўловчиларни ташиш хизматларини кўрсатишдан қўрилган зарарлар, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан темир йўл транспортда юк ташиш хизматлари берилган чеғирмаларни давлат бюджет хисобидан компенсация қилиш тартиби жорий этилади.

Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари, локомотивларни тақдим этиш, маҳаллий йўналишларда йўловчиларни ташиш хизматлари (юқори тезликда ҳаракатланадиган ва темир йўл поездлар бундан мустасно) тарифлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги идораларо тариф комиссияси томонидан тартибга солинади. Мазкур комиссия “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан хусусий вагон ва контейнер операторларига темир йўл инфратузилмаси ва локомотив хизматлари тенг ҳуқуқ асосида кўрсатилишини ҳам қатъий назорат қилиди.

Бугунги кунда жамият таркибида ташиш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган носоҳавий корхона ва ташкилотларни сақлаб туриш харажатларининг юқорилиги соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатаятган эди. Шунинг инобатга олган ҳолда, мазкур носоҳавий корхоналар акция пакетлари оммавий савдоор орқали сотува қўйилмоқда. Жамиятнинг 19 та носоҳавий корхонаси бошқарув органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ташкилотларига кейинчалик самарали фойдаланиш учун давлат баланси қийматида текинга ўтказилиши қўйилмоқда. Юк ташиш ҳажминини ошириш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш шарти билан эса 42 та темир йўл станцияси ҳудуди аукцион орқали ижарага хизмат кўрсатишга ўтади.

Албатта, қарорда белгиланган вазифалар ва умуман, сўнгги йилларда тизимда кечакатган ислохотлар “Инсон қадрини” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чикариш, халқимиз фаровонлигини ошириш, транспорт салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, иқтисодиётимиз, минтақавий ва минтақаларо савдо-сотиқни ошириш, қоллаверса, халқаро савдо-иқтисодий, маданий ва гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.



ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 540 ЙИЛЛИГИГА



yuz.uz_news

ҲИНДИСТОНДА БОБУРИЙЛАР салтанатининг ўрнатилиши



ЭХТИРОМ

БОБУРНИНГ ДАВЛАТИ

Ғайрат МАЖИД

*Азал-азал дунёда, ҳарбу жанглар кўп бўлган,
Музаффар бўлган бисёр, ҳоли танглар кўп бўлган,
Оқ ниятли дилларда оппоқ ранглар кўп бўлган,
Бобурнинг адолати, нусрати — “Бобурнома”.*

*Мени мафтун айлади бир салобат, бир виқор,
Покиза юрагимда ошиқларнинг охи бор,
Раббим, ғариб кўнглини яхшилик сори бошқор,
Бобурнинг шижоати, ғайрати — “Бобурнома”.*

*Қанча шоҳ, султон ўтган, на бир қўтлуг шон топган,
Шон толмагани майли, на тоза иймон топган,
На фидо бўлган элга, на фидойи жон топган,
Бобурнинг изтироби, ҳасрати — “Бобурнома”.*

*Рўҳнинг тоза иқрори — май тўла жомлар чил-чил,
Оқ тонгларга шиора, тийра оқиомлар чил-чил,
Юракни қора қилган танбал айёмлар чил-чил,
Бобурнинг пок суварти, сийрати — “Бобурнома”.*

*Ёлғизгина кўнглимдир, маҳрами асрор, надим,
Товларни чўқтирса ҳам, дилдаги фарёд-дардим,
Не боло келса сенга, борини мен кўтардим,
Бобурнинг жасорати, қудрати — “Бобурнома”.*

*Ростин айтсам, кўнглимни, мингта ҳижоа бўлғай,
Дарду армоним — Бобур, қайда ниҳоя бўлғай,
Оқибат ёлғиз иймон — қўргон, ҳимоя бўлғай,
Бобурнинг шон-шавкати, давлати — “Бобурнома”.*



МУШОҲАДА

БИЗГА МОТИВАЦИОН КИТОБЛАР КЕРАК(МИ?)

Ўнта китоб ўқиган одам ўн биринчисини ўзи ёзади, деган гап бор. Унинг замирида ўнта яхши китобни ўқиб чиққан кишининг фикрлаш қобилияти ва қандай китобни ўқши кераклиги ҳақидаги диди шаклланади, китоб ёзмаса ҳам бу борада ўз фикрига эга бўлади, деган қараш ётибди.

Worldometer статистика сайти маълумотларига қўра, 2023 йилнинг ўтган даври мобайнида 3 миллионга яқин номдаги китоб нашр этилган. Шубҳасиз, бу жуда катта рақам ва инсоннинг умри бир кунда чиқадиган китобларни ўқиб чиқишга ҳам етмайди. Аммо уларни саралаб, кераклиларини ўқиб чиқиш мумкин.

Китоб дўконларига борсангиз, бадий асарлар билан бирга бизнес ва бошқа мавзуларга йўналтирилган адабиётлар ҳар қачонгидан кўпайганига гувоҳ бўласиз. Албатта, ўзининг шахсий бизнеси, иши ва ҳаётини йўлга қўйиш ниятида юрган, тавakkал қилишга чўчиб турган ёшларга мотивацион китоблар керак. Аммо бу китобларнинг ҳаммаси ҳам ёшларга ўз йўлини топишларида кўмак бера оладими? Умуман, улар неча замонлар синобидан ўтган, ўз устида ишлаш, руҳни тарбиялаш, тўғри йўл танлашга оид асарлар ўрнини боса оладими?

Бундай турдаги китобларнинг ўқирманларини, асосан, мустақил ҳаёта қадам қўяётган, коллеж-мактабни тамомлаб, янги ҳаёт йўлини бошлайман, деб турган ёшлар ташкил қилади ва уларнинг асосий максимал ҳаракатда бўлиш, меҳнат қилиб, муваффақиятга эришишга ундашдан иборат.

Улғу маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний бундан бир аср аввал “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асарининг нафақат ёшлар, адабиёт мухлислари ва кенг оммага мўлжалланганини таъкидлаб,

китобнинг муқаддимасида “Мен бу асари ноҳизомини биринчи мактабларимизнинг юқори синфларида таълим бермак ила баробар улғу адабиёт мухбирлари, ахлоқ ҳаваскорларининг анзори олиларинга тақдим қилдим”, дейди ҳамда асар давомида инсоннинг камол топиши, илмий-ижодий юксалишига тўхталиб, саъй ва ғайратда бўлишга чорлайди: “*Киши ёш вақтида илм ва маърифат, ҳунар ва санъатга бўйин қўймаса, тараддуд қилмаса, албатта, қора ишчи бўлуб қолур. Шариктаа терс, қонунга зид бўлмаган хизматларни қилмак айб эмасдур. Агар бунга ҳам бўйин қўймай, бу кўмирчилик, бу темирчилик менаа муносиб иш эмас деб, дангасалик қилуб, ишсиз юрса, зўр айб, ғайратсизликдур*”.

Ҳўш, бугун китобхонлар қандай китобларни ўқияпти? Улар сотиб олаётган китоблар Алишер Навоийнинг бир умрлик англамларию хулосаларидан яралган “Маҳбуб ул-қулуб”, Абдулла Авлонийнинг юқори синф ўқувчилари — катта ҳаёт оstonасида турган йигит-қизларга ҳам ўғит, ҳам дарслик тарзида ёзилган “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асари берган мотивацияни бера оладими? Пойтахтдаги китоб дўконлари, наشريётлар ва китобхонларнинг бу борадаги фикрларига қизиқдик.

— Китобхон сифатида одамларнинг китобга бўлган муносабати ўзгаргани мени хурсанд қилади, — дейди Шавкат Бобомуродов. — Нашр этиш, таржима ва сотув




жараёнларида ҳам бир неча йил ишлаганман. Тўғри, аввалгидай китоблар ўн минглаб нусхада чиқмаяпти, адади ўртача 1-2 минг. Бироқ бозоригр бўлган китоблар бор: бизнесга оид, эсселар, айнисса, турк эсселари ўзбек китобхон ёшлари орасида жуда оммалашиб кетган. Бадий пухта асарларга эҳтиёж қанчалик катта бўлмасин, турк эсселари, психологик дея уруғ берилаётган таржималар энг кўп сотиладиган китоблар рўйхатида юқори ўринда турибди.

Мен шу йил Озарбайжонда китоб фестивалида иштирок этиб, улардан миллий адабиётга бўлган муносабат борасида кўп нарсаларни ўрганишимиз кераклигини ҳис қилдим. Озар қардошларимиз ўз миллий адабиётига бошқача меҳр, ҳурмат билан қарайди, бу ҳақда суҳбатга тортсангиз, кўзлари қақнаб кетади. Бизда ҳам миллий

катта эътибор беради. Бог-роғлар яратиб, сувсиз жойларга сув чиқариб, дехқончиликни кучайтиради. Чорвачилик орқасидан кўн кечириб, тоғларда совуқ ва оғир шароитда яшайдиган қавмларни кўчиртириб келиб, Қобул атрофида янги қишлоқлар бунёд қилдиради.

Бобур Қобул атрофидаги йўллари синчковлик билан ўрганади. Мовароуннахрдан чиққанида Қобулгача ўзи юрган йўлдаги дарёлар, ўрмонлар, қишлоқлар ва кўрғонларни батафсил ёзиб борган. Шарқда Қошғар ва Ҳўндандан келинадиган йўллари, ғарб томонда Қандаҳор йўллари ва айниқса, жанубда Ҳиндистонга бориладиган йўллари жуда диққат билан ўрганган. “Ҳиндустон тарафидан тўрт йўл чиқар”,



деб ёзган ўзининг шоҳ асари “Бобурнома” саҳифаларида ва бу йўллардаги довлар ҳамда Қобул, Нилоб ва Синд дарёлари кечувларини санаб ўтган. Бобур Қобулга келган пайтларидан бошлаб Ҳиндистонни забт этиш режасини тузган. 1505 йилдан бошлаб Бобур Ҳиндистонга бир неча марта юриш қилади. Ҳиндистон шимолидаги Бҳира, Хушоб, Чиноб каби вилоятларини давлати тасарруфига киритади. 1522 йили Қандаҳорни ва яна икки йилдан сўнг эса Лоҳурни ҳам эгаллайди. Бу пайтда Бобурнинг улкан тақрибига эга қўшини сафида тўфангчи ва тўпчилар ҳам бор эди.

1525 йили куз фасли адоғида Бобур Ҳиндистонга охириги юришини бошлайди. Қиш ўртасида Панжобга етиб келган Бобур қўшинлари Милват кўрғонини забт этади. Яна бир ойдан сўнг эса Ҳисори Феруз кўрғонига яқинлашади. Шаҳар доругаси Ҳамидхон бошлиқ афғонларга



қарши Бобур ўғли Ҳумоюн қўшинини ташлайди. Ўн саккиз ёшли Ҳумоюн бу вазифани шараф билан адо этади. 1526 йил апрель ойида эса Панипат майдонида Дехли султони Иброҳим бошлиқ ўн минглик қўшин устидан ғалаба қозongan Бобур Дехли ва Аграги эгаллайди. Ҳолиб Захириддин Мухаммад номи бир ҳафтадан сўнг Дехли жомъе масжидида хутбага қўшиб ўқилади.

“Бобур дунёнинг истаган мамлакатини эгалаб олиб, ҳукмронлик қилишга ҳақли эди, негаки унинг томирларида Чингизхон ва Амир Темур қони оққан”, деб ёзади Ҳиндистонлик давлат арбоби ва тарихчи Паниккар соҳиб. Чиндан ҳам Бобур аввалига Иброҳим Лодийга элчи жўнатиб, қадим туркка тааллуқли ерларни қайтариб беришни сўраган эди. Зеро, у Ҳиндистонга улғу мақсадлар билан келган эди. Мамлакатни талон-тарож қилиш эмас, балки уни ободонлаштириш, янада ривожлантириш ниятида бўлган. Шу маънода, навкарларининг маҳаллий аҳолини талон-тарож қилишларига йўл қўймайди. Теварак-атрофидаги кичик султонликлар, рожаликлар ва бошқа ҳудудларни ҳам аста-секинлик билан тасарруфига кирита бошлайди, жумладан, Баяна, Жанпур каби кўрғонларга Бобур ўз одамларини тайин қилади.

Давлати пойтахтини Аграга кўчирганидан бир йил ўтиб, ражпутлар сардори Санграм Сингх икки юз минг қўшин билан урушга отланади. Секри қўлига ёндош Канваҳия қишлоғи яқинидаги жангда Бобур бор маҳоратини ишга солади. Бу жанг ҳам унинг шарафли ғалабаси билан тугайди.

Бобурнинг Ҳиндистондаги жангларидан яна бири Чандери қамали деб аталади. Авваллари мусулмонлар қўли остида бўлган бу шаҳар тоғли жойда жойлашган ва ҳинд рожаляридан Медини Рао ҳукмронлик қилар эди. 1528 йил бошида Бобур Чандери қалъасини қамал қилади. У ҳинд жангчилари мардона курашганини ҳам ҳолисона баён қилган. Ноилж қолган ҳинд жангчилари ўзларининг жаухар урфларига қўра, таслим бўлмаслик учун бир-бирини ўлдирди.

Шундан сўнг Бобур Ҳиндистон шарқига юриш бошлаган. 1529 йил май ойи бошида бу жанг Бобурнинг ҳаётидаги сўнггиси эди. Саркарда бу жангда қўллаган усулни ҳинд тарихчиларидан Д.Маҳажан “артиллерия санъатининг моҳирона қўлланилиши”, деб баҳолаган. Дарёнинг чап соҳилида турган ғанимлари Бобур қўшинларининг сувдан ўтишига қаттиқ қаршилик қилганида, подшоҳнинг буйруғи билан бир неча ўнлаб тўп баландликка ўрнатилиб, тинимсиз ўқ ёғдириш навкарларнинг нариги қирғоққа ўти олишини таъминлайди. Душманлар эса Бенгалиягача қочиб кетади.

Шундай қилиб, Захириддин Мухаммад Бобур давлати сарҳадлари шимолда Бадахшондан тортиб, жанубда Чамбил дарёси ва шарқда Бенгал қўлтиғигача бўлган ҳудудни эгаллайди.

Бобур ҳарбий жанглардан бўш пайтларида тасарруфидagi шаҳарларда самарқандча чорбоғлар бунёд эттирган. Панипат, Дехли, Агра, Самбхал, Аюдха каби шаҳарларда улкан масжидлар қўзғирган. Панипатдаги масжид ҳозир ҳам мавжуд. Кейинчалик Бобур авлодлари яна уч юз йилдан кўпроқ ҳинд заминиди ҳукмронлик қилган. Буюк Бобурийлар давлати вақиллари Ҳиндистонда бунёд эттирган меъморий обидалар бугунги кунда миллионлаб сайёҳларни ўзига жалб этиб келмоқда.

Фаҳримиз шуки, Бобурийларнинг маънавий мероси ҳам Ҳиндистонда кенг ўрганилмоқда. “Бобурнома” бир неча марта ҳинд ва урду тилларига таржима қилинган. Хайдаробод, Рампур, Лакнав шаҳарларида Бобурнинг нодир қўлэзма асарлари ва фармонлари сақланади. Бобур ва Бобурийлар давлати ҳақида Ҳиндистонда ўнлаб кинофильм яратилган. Варанаси шаҳрида сўнгги Бобурий подшоҳ Абу Зафар Баҳодиршоҳ номидаги академия фаолият юритади. Мактаб ва олиғ ўқув юртларида Бобурийлар тарихи кенг ўрганилади. Бу эса буюк аждодимиз — шоҳ ва шoir Захириддин Мухаммад Бобур шахсига бўлган муҳаббатимизни янада зиёда қилади.

да жуда кам, аксарият борларининг сифати ҳам талаб даражасида эмас. Нашрида камчилик бор, чин мутахассис кўзидан ўтмаган, дизайни ўзига тортадиган аҳволда эмас. Бу эса мумтоз асарларга майли бор ўқувчиларнинг ҳам чор-чочор юки энгил китоблар билан кифояланишига омил бўлмоқда. Харидорсиз қўлиб кетишдан чўчиб, наشريётлар бундай асарларни нашр этишдан қочаётган бўлиши мумкин. Балки ечимни чекинмишда эмас, яхши реклама-ни йўлга қўйишда, тарғибот ишини тўғри ташкил этишда кўриш керакдир? Чаманда гуллар турфа бўлгани маъкул — “Қимгадир ёқар лола, ким атиргул шайдоси”.

Таъкидлаш керакики, бугун одамлар китобга қайтмоқда. Метро бекатларида, автобусларда, боғларда китоб ўқийтган кишиларни кўришга кўзимиз ўрганиб қолди. Хориж таърибаси деган термин китобхонликка ҳам кириб келди. Дунё тан олган олимлар, фан ва давлат арбоблари, машҳур компания эгалларининг тавсияю хулосаларидан иборат китоблар ўзбек тилига таржима қилиняпти. Муваффақиятга эришган кишиларнинг ҳаётий таърибалари, кўрган ҳақиқатларни асосда ёзилган асарлар қаҳқангари ёшларга асират улашмоқда.

Агар китоб одамнинг дўсти бўлса, у дўстининг қандай билим ва савияга эга эканини ҳам кўрсатиб беради. Америкалик ёзувчи Марк Твен айтганидек, маънан етук китобларни танлаб ўқинг. Акс ҳолда, бир даста қорғоз ҳаётингизни заҳарлаши мумкин.

Рашид ХЎЖАМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлэзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфияда жихатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатта олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1046.
43312 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоcи келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Навбатчи муҳаррир: Шаҳзода Ғаффоров
Мусаххис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА яқуни — 21:02 Топирилди — 23:00

Қабулхона: (71) 233-56-33

Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz

Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.